

---

Фарғонага 50 минг дозадан ортиқ Pfizer вакцинаси олиб келинди

АҚШ ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 273 минг 780 доза Pfizer-BioNTech вакцинаси етказиб берилган эди. Республика махсус омборидан тақсимланган ҳолда, кеча 29 октябрь куни Фарғона вилоятига 50 минг дозадан ортиқ Pfizer/BioNTech вакциналари олиб келинди.

Бу ҳақда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси хабар [бермоқда](#).

Шу кунга қадар республика бўйича 12-18 ёшли 176 791 нафар ўсмир коронавирусга қарши эмланган. Фарғона вилоятида ҳам шу ёшдаги болалар коронавирусга қарши Pfizer вакцинаси билан эмланмоқда.

“Бу вакциналар болалар ота-оналари ва васийларининг розилиги билан мамлакатнинг исталган эмлаш пунктида эмлашлари мумкин” дейилади бошқарма хабарида.

2021-10-30 10:17:31